Ушбу сонда:
2 *Ташаббус сўнмасин!* МАҲАЛЛАДА КИЧИК КОРХОНА
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 БОР БЎЛ, МЕҲРУ ОҚИБАТ!

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 29 март, сешанба № 52 (1893)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЭНГ ИЛҒОР ТАДБИРКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.

Ҳозир вилоятда 12 минг 193 фермер хўжалиги ва 17 минг 467 кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Ўтган йили уларнинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши сал кам 60 фоизни ташкил этди.

Кўрик-танлов вилоят босқичининг ўтган йилги ғолиби Ғаллаорол туманидаги «Давр-М» хусусий корхонаси раҳбари Бутунбой Азимов бу йил ҳам «Энг илғор тадбиркор» деб топилди. Зарбдор туманидаги «Элдор-1» фермер хўжалиги раиси Абдумажид Эргашев «Энг илғор фермер», ғаллаороллик зардўз Насиба Илёсова «Энг илғор ҳунарманд» номига муносиб кўрилди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

## Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири билан телефон орқали мулоқоти

***Шу йил 28 мартда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Курманбек Бакиев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.***

Суҳбат чоғида сўнгги кунлар ва ҳафталарда Қирғизистонда рўй берган воқеалар ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Аҳолининг оммавий норозилик чиқишларига, охир-оқибат Ҳукумат уйининг ишғол қилиниши ва Қирғизистонда ҳокимиятнинг ўзгаришига олиб келган сабаб ҳамда омилларга баҳо беришда томонларнинг позицияси бир хиллиги ва уйғунлиги қайд этилди.

Юзага келган барча муаммоларни ҳуқуқий асослар ва Конституция талаблари доирасида ҳал этиш, бузғунчи кучларнинг мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини бартараф этиш учун мавжуд барча имкониятларни тўла сафарбар қилиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур ва муҳим эканлиги ҳам таъкидланди.

Қирғизистондаги бугунги энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда томонларнинг ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши ва амалий ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олинди.

(ЎзА)

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

## ЁШ ОИЛАЛАРГА ТЎЁНА

***Кўзлари хира тортиб қолгач, Турсуной Султоновага ёруғ олам тор кўриниб, кенг ҳовлига сиғмай қолди. Бир суянчим бўлсаки, кўмакка қўл чўзса, дея ўкиниб юрди. Аммо у ёлғиз эмаслигини, яхшилар ҳар доим ёрдамга шайлигини кейинроқ ҳис этди.***

— Онахоннинг аҳволини билгач, саломатликларини тиклаш ҳақида ўйладик, - дейди «Оқолтин» туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Абдумўмин Қўзибоев. - Қизил ярим ой жамияти бу масалада ёрдам беришга қарор қилди. Шундай қилиб, кўз жарроҳлиги амалиёти муваффақиятли ўтди. Қисқа фурсатда онахоннинг кўзларига зиё бағишланди.

Туманда ўзгалар қарамоғига муҳтож 27 нафар кекса бор. 12 нафар ёлғиз қарияга 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бепул етказиб берилаяпти. Улар саломатлиги муҳофазага олинган. Ўтган йили 53 нафар қарияга 103 минг сўмдан ортиқ дори-дармон етказиб берилди.

Туманда кам таъминланган хонадонларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келинаяпти. Хусусан, ўтган йили 40 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди. 5 нафар ёшнинг бошлари қовуштирилди. Ёш келин-куёвларнинг тўй либосларига 900 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, ҳар бир ёш оилага 200 минг сўмлик нознеъмат туҳфа этилди. Бу борада тадбиркор-фермерлар ҳам қўл қовуштириб туришмади. Хусусан, «Хайдар» фермер хўжалиги ёш келин-куёвларга ўз ҳисобидан юз минг сўм тўёна қилди.

Ёш оила мисоли куртак ёзган дарахт. Уларга кўмак бериш катта савоб. Янги турмуш қурганлар шарт-шароити ўрганилганида, айримларида уй-жойга муҳтожлик борлиги аниқланди. Бу муаммо ҳам туман раҳбарлари, фуқаролари нигоҳидан четда қолмади. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидек, муаммога ечим топилди. «Тошхўжа бобо» фермер хўжалиги раҳбари Н. Тошхўжаев ёш оилаларнинг бирига 1 хонали уй тортиқ қилди. Тадбиркор аёл Ойдин Расулова бошқа бир оилага бутун бошли коттеж калитини топширди. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан эса 140 минг сўмлик рўзғор буюмлари ҳадя этилди.

Туманнинг Усмон Юсупов номли кўчасида яшовчи I гуруҳ ногирони Шуҳрат Мингбоевга ногиронлар аравачаси келтирилганида, унинг кўзларида миннатдорчилик ёшлари йилтиради. Кексалар ва ногиронлар талаб ва истаклари асосида қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари етказиб берилди.

Сиҳат-саломатлик йилида туманда истиқомат қилаётган 4053 нафар пенсионер, 1270 нафар ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

**Н. ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Олий Мажлисда*

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, парламент фаолиятини ёритувчи журналистлар қатнашди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бу борадаги муҳим вазифалардандир.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва тузилмаларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов ушбу ҳамкорлик борасида хорижда орттирилган тажриба тўғрисида маъруза қилди.

(ЎзА)



*Мустақиллик йилларида иқтисодий жиҳатдан салоҳияти юксалиб бораётган корхоналар кўпайди. "Кабул - Ўзбек" қўшма корхонаси ҳам шулар жумласидандир. Айни пайтда бу ерда 3,5 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган ип-калава ва хом сурп маҳсулотлари харидоргирлиги билан ҳам ажралиб турибди. Шу боисдан унинг асосий қисми чет давлатларга экспорт қилинмоқда.*

**Суратда: илғор ишчи Нодира Ибухожаева**

**И. ҲАСАНОВ олган сурат**

Эл саломатлиги ҳар бир шифокордан нафақат юқори малака, балки беморлар билан мулоқотда хушмуомалалик, уларнинг касалликни енга олишига ишонтириш каби фазилатлар талаб этилади.

Буни ўз вақтида англаган наманганлик шифокорлар кейинги йилларда кўплаб ишларни амалга оширишди. Хусусан, оналар ва болалар даволаш профилактика муассасалари моддий-техника базаси жаҳон андозаларига мос равишда мустаҳкамланди.

## «ОНА ВА БОЛА СКРИНИНГИ» МАРКАЗИ

Наманган, Мингбулоқ, Косонсой, Уйчи туманларидаги туғруқхона, вилоят 1-Марказий шифохонасида реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Наманган филиали, вилоят "Она ва бола скрининги" маркази замонавий усулда таъмирланиб, жиҳозлангани она ва бола саломатлиги йўлидаги катта ғамхўрлик бўлди. Халқаро ҳамкорлик доирасида бир қатор хайрли ишлар қилингани ҳам таҳсинга лойиқдир. "Репродуктив саломатликка кўмаклашиш-2" лойиҳасига асосан вилоят шифо масканларига қимматбаҳо аппаратлар, минглаб контрацептив воситалар келтирилиб, аёллар саломатлиги муҳофазасига йўналтирилди.

**А. СОҲИБОВА**

*Бухоро вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

## ИШЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗДОРЛИК

***Ҳисобот даврида барча бўғиндаги вилоят касаба уюшма ташкилотлари асосий эътиборни меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларга қулай иш шароитлари яратиб беришга қаратилган тадбирларни амалга оширди.***

Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эришиш, меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш имконини берди. «Қоракўлтекс» (Америка-Ўзбекистон), «Олоттекс» (Швейцария-Ўзбекистон) сингари қўшма корхоналарда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Когонёғ», «Бухородон», «Нефтгазқурилиштаъмир», «Бухорогўштсавдо» акциядорлик жамиятлари ва бошқа кўплаб корхоналарда бу борада яхшигина тажриба тўпланди.

Вилоят касаба уюшмалари ижтимоий шерикчилик тамойилларини мунтазам равишда такомиллаштириб бормоқда. Шу йўналишда «Оналар ва болалар», «Қарияларни қадрлаш», «Обод маҳалла», «Меҳр ва мурувват» йилларида бир қатор ишлар амалга оширилди. Касаба уюшмалари томонидан ушбу давр мобайнида кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, якка-ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари 29 та тармоқ келишувлари, 7200 га яқин жамоа шартномаларини ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Уларда 344657 нафар ишчи-хизматчи манфаати қамраб олинган. Шу билан бирга жамоа шартномаларини хўжакўрсинга тузиш, уларда меҳнат қонунчилигида бу ҳужжатга киритилиши лозим деб топилган, бевосита ва билвосита эътироф этилган талабларни киритмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу борада энг паст кўрсаткич кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар, маданият тармоқларида кузатилмоқда. Баъзан жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш, юқори ташкилотлардан ушбу масалалар бўйича берилган тавсиялар ва кўрсатмаларга амал қилишга эътибор қаратилмаган. Оқибатда «Миллий банк»нинг Вобкент, «Пахтабанк»нинг Ромитан бўлимларида, «Ромитанматлуботсавдо», «Жондорматлуботсавдо»да жамоа шартномалари тўлиқ ишламади.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим муаммоларидан бири – меҳнат бозори, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашдир. Вилоятда ишсизликнинг ижтимоий-демографик таркиби деярли ўзгармаяпти. Ишсизлар орасида хотин-қизлар 77 фоизни, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 54 фоизни ташкил этади. Рўйхатга олинган ишсизларнинг ҳар еттитасидан биттаси умумтаълим мактабларини эндигина битирган ёшлар, 92 фоизи қишлоқ аҳолисидир.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўтган йилнинг 29 октябрида Деҳлида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида ушбу марказни очиш тўғрисида меморандум имзоланган эди. Ҳужжатга мувофиқ, Ҳиндистон томони ушбу мақсадда 700 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни зиммасига олган.

Тадбирда мазкур марказнинг очилиши мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассисларни тайёрлаш, бу борадаги сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон раҳбари етакчилигида амалга оширилаётган ахборот технологияларини ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаевнинг айтишича, марказда ҳиндистонлик мутахассислар билан бирга компьютер дастурлари ишлаб чиқиш, корхона ва ташкилотлардаги хизматчиларнинг ахборот технологиялари тўғрисидаги билимини бойитиш, бу йўналишга ихтисослашган мураббий ва талабалар малакасини ошириш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, веб-дизайн ҳамда интернет технологияси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал иштирок этди.

(ЎзА)

## Диққат!!!

***2005 йил 31 март куни «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг республика босқичи бошланади.***

Тадбир доирасида соат 9.00 дан-17.00 гача кўрик-танлов қатнашчилари - вилоят босқичи ғолиблари маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил қилинади.

Кечки оқшомда кўрик-танлов натижаларини аниқлаш ва ғолибларни тақдирлаш тантанали маросими бўлиб ўтади.

Барча тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни миллий ишлаб чиқарувчилар-хусусий сектор субъектлари маҳсулотларининг кўргазмаси билан танишиш учун таклиф этамиз. Кўргазмага кириш бепул.

**«Ташаббус-2005» кўрик-танлови ташкилий қўмитаси**

## АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

***Меҳнат кишисига эътибор ва рағбат қанот бағишлайди. Шу боис жамоа шартномаси моҳиятан энг аввало ана шу мақсадга бўйсундирилади. Лекин бюджет ташкилотида маблағ ҳисоб-китоби қаттиқроқ бўлади. Шунга қарамай, оқилона иш тутилса, имконият топиш мумкин.***

Жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажариш ниятида ўтган йили ходимларимизнинг 27 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Талаб даражасидаги иш шароити яратиб берилди. Қиш мавсумига ҳар бир ходимга 100 килограмдан картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратилди. Бундан ташқари 28,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, хотин-қизларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилди.

Ишнинг натижасига қараб ходимларга иш ҳақининг 40 фоизигача устама ҳақ тўланиши ҳам жамоа шартномасига мувофиқ амалга киритилди. Ўнлаб ходимлар бундан баҳраманд бўлмоқда. Жамоатчилик ёрдами жамғармаси ташкил этилган. Шу ҳисобдан тўй-маъракалар, бошқа тадбирлар муносабати билан ўтган йили 31 нафар ходимга моддий ёрдам берилди.

Бундай ишлар Пастдарғом, Ургут, Самарқанд туманлари ДСИларда ҳам ибратли тарзда олиб борилмоқда. Барча жойларда оммавий-маданий тадбирлар, спорт мусобақалари белгиланган жадвалга асосан мунтазам ўтказилмоқда. Бу эса ходимларимиз иш жараёнида жисмонан ва руҳан тетик бўлишларини таъминлаяпти.

**О. БОЗОРОВ,**
**Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

## БИРГИНА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

### бахтсиз ҳодисага сабаб бўлди

***Қаердаки боқибеғамлик, ўзибўларчилик ҳукм сурса, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилинмаса, раҳбар масъулияти унутилса турли кўнгилсизликлар келиб чиқаверар экан. Эндигина 21 баҳорни кўрган Яҳёбек оламолам орзулар билан илгари отаси ишлаган, ҳозир акаси Элдорбек меҳнат қилаётган "Андижонпахта" очиқ акциядорлик жамияти 3-ишлаб чиқариш бригадасига той ташувчи бўлиб ишга кирган эди. У корхонада уч ой ишлади, холос. Шу йилнинг 12 январ куни ҳали техника хавфсизлиги қоидалари билан мутлақо таниш бўлмаган йигитни кутилмаганда 2-босқич линтер бўлимидаги пастки шнекларни тозалашга жалб этишди. У тозалаш ишларини бажараётганда номаълум шахс томонидан огоҳлантирилмасдан электр қутидаги кнопкадан шнек юргизиб юборилиши натижасида воқеа жойида вафот этди.***

Махсус текшириш далолатномасида қайд этилишича, "пахта тозалаш корхоналари учун хавфсизлик техникаси саноат санитарияси қоидалари"га кўра "машинани созлаш, тозалаш, мойлаш ва камчиликларни бартараф қилиш билан боғлиқ барча ишларни бажариш электр таъминотидан узиб қўйилган, бутунлай ҳаракатдан тўхтаган ва огоҳлантирувчи тахта осиб қўйилган ҳолларда бажарилади. Огоҳлантирувчи тахтани олиш ва машинани юргизиб юбориш ишини машинани тўхтатган ва тахтани осиб қўйган киши бажариши керак". Бахтсиз ҳодисага аввалламбор, техник жиҳатдан корхона қурилиб ишга туширилганда, кейинчалик таъмирлаш ишларида шнекларнинг устидаги қопқоқлари электр двигател билан муҳофаза қилинмагани, хавфсизлик техникаси ва санитарияси қоидаларига корхона бош муҳандиси, бош энергетиги ва смена устасининг амал қилмаганлиги сабаб бўлди. Шу ўринда бир гап. Қоидага кўра, "корхона бўйича меҳнат хавфсизлиги, амалдаги қонунчилик Низомлари, қоидалари, меъёр ва йўриқномаларини тўғри бажарилиши ва ташкил қилиши раҳбарга юклатилади".

Комиссиянинг меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларини бузилишига йўл қўйган шахслар тўғрисидаги хулосасида бахтсиз ҳодиса юз берганлиги учун бригада устаси И. Маматов, меҳнат муҳофазаси муҳандиси А. Дадабоев ва бош муҳандис Э. Кўчқоровларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш жамият раисига тавсия қилинган. Корхона бош энергетиги О. Ҳусанов ҳамда "Андижонпахта" ОАЖ раиси А. Мирзаевга 32650 сўмдан жарима белгиланган. Бахтсиз ҳодисага сабаб бўлган ҳақиқий айбдорларни аниқлаш, уларнинг жавобгарлиги бўйича тергов ўз фикрини айтади, албатта.

Марҳум Яҳёбек Абдуллаевнинг отаси, Олтинкўл туман «Ижтимоият» қишлоғида яшовчи Маъмиржон Абдуллаевнинг айтишича, бахтсиз ҳодиса содир этилган куни яна уч киши корхонада девор босиб қолиши оқибатида жароҳат олган. Жамоада меҳнат интизоми қоидаларини бузиш шу даражага бориб етганки, бригада устаси Илҳом Маматов - марҳум Яҳёбек Абдуллаевни ўтган йилнинг декабр ойида ҳатто ўз уйига олиб бориб ишлатган. Корхона томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарорига асосан етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидаларининг 26-бандига кўра иш берувчи вафот этган шахснинг 6 та ўртача йиллик иш ҳақи ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган 3.312360 сўм пул икки ойдан бери марҳум оиласига берилган эмас.

Беихтиёр савол туғилади. Корхона маъмурияти юз берган нохуш ҳолатдан тегишли хулоса чиқариб олдими, корхонадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратишда йўриқномада кўрсатилган талаблар асосида иш тутаётибдими?

Афсуски, бундай деб бўлмайди. Жумладан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинаяпти, деб айтиб бўлмайди. Прессланган пахта тойларидан 15-20 метрлар чамаси олисликдаги қаровсиз, атрофи чиқинди ва ахлатлар билан тўлган, ҳатто ёқилғи сақлаш идишлари атрофига торгина қилиб ўралган сим тўсиқ қулаб кетмаслиги учун бўлса керак узун ва оғир метал бўлаклари суяб қўйилган бу антиқа жой корхона раҳбарлари эътиборидан четда қолаётганига ажабланасан киши. Ахир, ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан чу-

*Меҳнат муҳофазаси*

қур таниш бўлмаган киши ҳам ана шу металларнинг қулаши, бир-бирига урилишидан ёнғин ёки бошқа бирон кўнгилсизлик келиб чиқишини уқиши қийин эмаску. Қачонлардир қурилган ўт ўчириш асбоб-ускуналари қўйилган жойда, ишлаш-ишламаслиги яқин орада текшириб ҳам кўрилмаган ўт ўчиргичдан бўлак асбобни учратмадик. Бизга ҳамроҳлик қилган корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Муродил Эргашев бу ҳолатларни "ёқилғини кам беришади" деб изоҳлашга уринди. Бу ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмасин, дегани эмас-ку, ахир. Наҳот кўза кунда эмас, кунида синишини бу ердагилар эшитмаган бўлишса?!

Табиийки, бу каби нохуш ҳолатлар туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳам кузатилган ҳамда камчиликларни бартараф этиш корхона раҳбариятига юклатилган. Жумладан, туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг шу йил 23 февралдаги далолатномасида қайд этилишича, ҳатто маъмурий бинодаги ўт ўчириш воситалари тўлиқ жиҳозланмаган, тунги ёритиш чироқлари ҳам талаб даражасида эмас.

Корхона раҳбари Алижон Мирзаев ахборот бериш тугул мухбирларни қабул қилишни ҳам унчалик хушламас экан. "Бу ерга келишингиз шартмиди, сизлар бўлган туман ҳокимлигида барча маълумотлар борку, ёзиб кетавермайсизларми" дейди норози оҳангда...

Дарвоқе, корхонада 2005 йил учун жамоа шартномаси ҳали қабул қилинмабди. Шундай бўлса-да, «Сиҳат-саломатлик йили учун дастур ишлаб чиққанмиз» дейди касаба уюшма қўмитаси раиси. Лекин бу ҳужжат стол устида уюлиб ётган қоғозлар орасидан ҳадеганда топилавермади...

Хуллас, Олтинкўлдаги "Андижонпахта" очиқ акциядорлик жамиятида ана шунақа гаплар. Бу ерда бўлаётган қонунбузилишларга эътиборни қаратишимиз эса, раҳбарлик мансаб эмас, масъулият эканини таъкидлаб қўйиш, холос.

**Я.НОРБОЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Бухоро вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

# ИШЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗДОРЛИК

(Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўтган ҳисобот даврида штатлар қисқартирилиши муносабати билан вилоят бўйича касаба уюшма аъзолари сони 62259 нафарга, шу жумладан, агросаноат мажмуи соҳасида 42155, кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар тизимида 9092 кишига камайиб кетган. «Бандлик» масаласи билан вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими, тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари ва вакиллари мунтазам шуғулланмаяпти. Бу ишга масъул бўлган касаба уюшма ходимлари эса меҳнат бозорида расмиятчилик учун қатнашмоқдалар. Бугун кўпгина иш берувчининг билимсизлиги, ношудлиги туфайли корхоналарда банкротлик натижасида ходимларнинг оммавий равишда ишдан бўшаб қолишлари кузатилмоқда. Шунинг учун аввало бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тегишли мутахассислар иштирокида иш берувчилардан иқтисодий таҳлил ўтказиш, корхонани банкротлик ҳолатидан олиб чиқиш, энг муҳими ходимларни иш билан таъминлаш таклифлари билан чиқиши лозим.

Жойларда вақтинча ишсиз қолганлар қаерда ҳисобда туришлари керак, деган савол туғилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари уставига маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида касаба уюшма ташкилотларини тузиш тўғрисида қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу эса вақтинча ишламайдиганларни ҳисобга олиш имконини берган бўларди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотида Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2002-2004 йиллар давомида иш берувчилар олдига 1024 та расмий талабномалар қўйилиши натижасида ишловчиларнинг 5,3 миллиард сўмдан кўпроқ иш ҳақлари ундириб берилди. Касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан судларда 69 та даъво аризалари кўриб чиқилди, прокуратура органларига 106 маротаба ёзма мурожаатлар қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда иш ҳақидан қарздорлик ўтган йилларга нисбатан 3-4 баробарга камайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш масалалари ҳозирги босқичда касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифасидан бирига айланмоқда.

Маърузада таъкидланганидек, Касаба уюшма аъзолари ва фаолларининг масъулиятсизлиги, ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги боис «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, унинг меъёр ва қоидалари, жамоа шартномалари ва битимларнинг айрим бандларини бажарилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Оқибатда кўпчилик ташкилотларда бу борада қонунбузилишлар, бахтсиз ҳодисалар ёки ўлимга сабабчи бўлган ҳолатларни яшириш, яроқсиз асбоб-ускуналардан фойдаланиш давом этмоқда. Натижада ўтган йил давомида вилоят бўйича ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли 182 нафар киши тан жароҳати олиб, улардан 55 нафари ўлим билан якун топди. Аграсаноат мажмуи, енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати тармоқларида бахтсиз ҳодисалар кўплаб учрамоқда.

– Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги туфайли иш берувчининг ходимлар соғлигига етказилган зарар учун товон пулларини тўламаслик ҳоллари ҳамон учрамоқда. – дейди ўз маърузасида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари А.Жумаев. – Натижада ишчи ходимлар вилоят касаба уюшма ташкилотларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Жумладан, Жондор туман Т.Ҳотамов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Жамила Саидованинг умр йўлдоши вафот этгандан сўнг, вилоят касаба уюшмалари кенгашига ёзган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмаси Жондор туман филиали раиси З.Зокиров амалдаги қонунларни қўпол равишда бузиб, Ражаб Саидовни ишлаб турган вазифасидан бўшатганлиги, унга касаллик варақаси, меҳнат таътили тўловлари тўлиқ берилмаганлиги, меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан мажбурий тарзда бекор қилинганлиги, марҳумнинг оила аъзосига товон пуллари тўланмаганлиги аниқланди. Касаба уюшмасининг аралашувидан сўнг «Вилоятқишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмаси йўл қўйилган ноқонуний ҳаракатларни бартараф қилиб, Ражаб Саидовнинг оиласига тегишли 429 минг сўм товон пули ундириб берилди. Шундай экан халқ хўжалигининг барча тармоқларида жароҳатланишнинг олдини олиш, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши зарур. Амалдаги қонунларнинг, меҳнат муҳофазаси бўйича меъёр ва қоидаларни қўпол равишда бузадиган иш берувчиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиши, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишлари мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш талаб этилади.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмонан камол топтириш масалалари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида турибди. Ҳисобот даврида 25 минг нафардан ортиқ меҳнаткаш дам олдирилди, 86 мингдан ортиқ болалар соғломлаштирилди.

Бироқ, вилоятда ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланишига қарамай оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ўз ечимини топмаганлиги кузатилмоқда. «Бухороқурилиш» ва «Бухорокооптранс» акциядорлик жамиятларига қарашли «Ёш ирригатор» ҳамда «Йўлдош», Олот, Қоракўл, Когон туманларидаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига қарашли «Роҳат», «Шодлик», «Гулхан», «Узжамоақурилиш» 1-трести тасарруфидаги «Ёш қурувчи», Ромитан туманидаги 27-автокорхонага қарашли «Ёш автомобилчи» оромгоҳларида ташкилий-тадбирий ишларнинг бажарилмаганлиги туфайли режалаштирилган ишлар муддатдан кеч қолди.

Ўтган беш йил давомида маданият, маънавият ва спорт йўналиши бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тадбирлар белгиланиб, улар асосида жойларда ижобий ишлар амалга оширилди. «Бухоротекс», «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамиятларида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмаларига қарашли клуб, кутубхоналарда миллий қадриятларни тиклаш, миллий байрам ва анъаналарни ривожлантириш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилган. Олти йилдан бери вилоятда ҳар ойда «Мактаблар куни» ўтказилиши муносабати билан халқ таълими тизимини қўллаб-қувватлаш, педагог ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ҳисобидан 124 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Бироқ меҳнат жамоаларида спорт мусобақалари, спартакиадалар камдан-кам ўтказилмоқда. Спортнинг оммавийлигини оширишга эришилмаяпти.

Кейинги пайтда ўз қарорлари ижросини таъминлаш анча яхшиланганлиги сабабли меҳнаткашларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқароларни қабул қилиш анча яхшиланди. Ҳисобот даврида вилоят меҳнаткашларидан 5 мингдан кўпроқ ёзма ва оғзаки мурожаатлар тушиб улар ижобий ҳал этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокарада таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Бахшулло Умаров, Вобкент туманидаги Иноим Наимов номли ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи Сожида Бердиева, автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шаҳодат Ихтиёрова, Бухоро шаҳар Марказий шифохонаси ҳамшираси Зулайҳо Хўжаева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

* * *

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Ҳуқуқшунос Бибиражаб Муҳаммедова Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб сайланди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбирлари**

*Ташаббус сўнмасин!*

# МАҲАЛЛАДА КИЧИК КОРХОНА

***Бозор иқтисодиёти шароитида бандлик сиёсатини фаол юритиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали муқим иш жойлари билан таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўта долзарб вазифа зиммамизга катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда шаҳардаги барча ташкилот ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда муайян тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз.***

Ўтган йили «Бандлик» дастури доирасида ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда ишсизларни касбга ўқитиш ва уларни ҳақ тўланадиган



жамоат ишларига жалб қилиш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Ҳисобот даврида бўлимимизга 1363 нафар ишсиз фуқаро мурожаат қилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этди. Шундан 1044 кишининг иш билан таъминланганлиги эса энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Айтиш жоизки, аҳолини иш билан таъминлашда янги иш ўринларини ташкил этиш муҳим рол ўйнамоқда. Чунончи, ўтган йили 6 та йўналиш бўйича 9 минг 356 та янги иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа ортиғи билан бажарилди. Бунда асосий ўринни кичик бизнес ва якка тадбиркорлик соҳаси эгаллаганлиги, айниқса қувонарлидир. Бошқача қилиб айтганда, барпо этилган янги иш ўринларининг 91 фоиздан ортиқроғи мазкур соҳага тўғри келди. Масалан, Алиев номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларимиз хайрли ташаббусга қўл урдилар. Маҳаллада ташкил қилинган «Чарм-гар» кичик корхонаси тасарруфида патдўзлик цехи очилиб, унда шу ерлик 10 нафар киши ўқитилди ва иш билан таъминланди. Яна шу маҳаллада фаолият бошлаган зардўзлик цехида 15 нафар хотин-қиз ишга жойлашди. Худди шунингдек, «Ширбудин», «Истиқлол» ҳамда Ғиждувоний ва Ҳусаинов номли маҳаллалардаги кичик корхоналарда ҳам ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Натижада ўнлаб хотин-қизлар, ўсмир-ёшлар ишли бўлишди. Эътиборлиси, ҳеч қандай касб-ҳунарга эга бўлмаган бу фуқароларга «Усто-шогирд» усулида миллий касб-ҳунарларимиз сирлари ўргатилди. Умуман 2004 йил давомида 85 киши касбий таълимга юборилди. Бунинг учун салкам 2 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди.

«Бандлик» дастурини тўла-тўкис амалга оширишда меҳнат ярмаркаларининг ўрни беқиёс. Шу боис бундай тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шаҳар ҳокимияти, ижтимоий кўникма маркази, вояга етмаганлар иши бўйича комиссия ва фуқаролар йиғинлари билан биргаликда ўтган йили 7 та, 2005 йилнинг ўтган ойлари давомида 2 та меҳнат ярмаркаси ташкил этдик. Уларни муваффақиятли ташкил қилиш ва кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрилди, оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилинди. Меҳнат ярмаркаларида шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар ўтган йили ўзларидаги 5977 та бўш иш ўрни билан қатнашди, 194 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Бу йилги меҳнат ярмаркаларида эса 41 та ташкилот, корхона, ҳиссадорлик жамияти қатнашиб, 1618 та иш жойи таклиф қилинди. «Хуашен-Бухоро» қўшма корхонаси, «Соҳибкор» ширкат хўжалиги, Бухоро Давлат университети, Тиббиёт олийгоҳи, вилоят йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси, шунингдек, «Бухоротекс», «Бухородон», «Бухоро почтаси» ва «Бухороёғ» акционерлик жамиятларига ишга кириш учун йўлланмалар берилди.

Ишламаётган, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёки умумтаълим мактабларини битираётган ўсмир-ёшларни ҳамда хотин-қизларни ишга жойлаштириш доимий диққат-эътиборимизда. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга татбиқ этдик. Хусусан, меҳнат ярмаркаларининг иккитаси Бухоро Давлат университети ҳамда Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Бунинг самараси ўлароқ, олий ўқув юртларини тугатаётган ёш мутахассислар билан ўнлаб янги шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг ўтган йилги битирувчиларининг бандлик ҳолати ўрганиб чиқилиб, уларга иш топиш ва танлашда ёрдам берилди. Аниқроғи, ёш мутахасисларнинг 147 нафари бўлимимиз йўлланмаси билан ишга жойлашди. Касб-ҳунар коллежларини тугатган ўғил-қизларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Айни пайтда ҳам бу борада жадал суръатларда иш олиб борилмоқда. Ёшларнинг бандлик ҳолати меҳнат инспекторлари томонидан доимий назоратга олинган. Ишсиз ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу йил «Бандлик» дастури доирасида 7707 та янги иш ўрни яратилади. Уларга ортиқча иш кучлари жойлаштирилиши кўзда тутилган. Ҳозирда барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу хайрли мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Шу билан бирга мамлакатимиз раҳбарининг жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга оид Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий дастур тузилди. Ушбу муҳим ҳужжатда 2005-2007 йилларда аёлларни иш билан таъминлашда бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган. Бу йўналишда ҳам кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

**Бекмурод ХЎЖАЕВ,**
**Бухоро шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

***Маҳалламизда Карим оқсоқол деган отахон яшайди. Бир куни ишдан қайтаётиб тенгдошлари даврасидаги шундай гапини эшитиб қолдим.***

***— Ўтган ҳафта уч кун сидирғасига бошим оғриди, - деди отахон. - Аптекага кириб дори сўрадим. Пештахта ортидаги йигит юзимга тикилиб қаради-ю;***

# ИНСОНГА СОЯНГ ТУШСИН

— Қўлингизни узатинг-чи, - деди ва билагимни бир дақиқа ушлаб турди-да мулойим кулди. - Хафа бўлманг-у, бирров дўхтирга учраб келсангиз. Сиз учун энг яхши доридан топиб қўяман, деди. Шу сабаб поликлиникага кирдим. Қарангки, қон босимим ошган экан. Бошқаси бўлса, пулимни оларди-ю, дорисини берарди, вассалом, қарабсизки, касаллик баттар кучаяди.

Даврадагилардан бири у деди, бири бу. Лекин охирги хулоса шу бўлдики, доришунослар орасида пул топишни ўйлайдиганларгина эмас, Наманган шаҳридаги 82-дорихонада ишлайдиган Равшанбек Мусохўжаев сингари биринчи навбатда беморларга тўғри ташхис қўйиб, энг керакли доринигина тавсия қиладиганлар ҳам кўп экан.

Карим оқсоқолни ўша гапи баҳона бўлиб Р. Мусохўжаевни ахтариб топдим ва у билан биргаликда ишлайдиганлар фикр-мулоҳазасини сўрадим.

— Равшанбек билан ўн икки йилдан зиёд биргаликда ишлаётган бўлсак, бирон марта у тўғрида салбий гап эшитмадим, - дейди ушбу дорихона мудири Маҳмуджон Азизов. - Ўзи ҳам, сўзлари ҳам ёқимли. Аввало, ўз соҳасини яхши билади, унинг икир-чикирларини чуқур тушунади. Фақат савдо қилишнигина ўйламайди, балки бераётган дориси унга мурожаат қилган мижозга фойда келтирадими, дардига дармон бўладими, шуни назарда тутади. Яна бир фазилати тиббиёт қонун-қоидаларини унча-мунча шифокорлардан кам билмайди.

— Шу соҳани танлашимга ўқувчилик йилларимда Ибн Сино ва Берунийлар ҳақидаги китобларни ўқиганим сабаб бўлган, - дея суҳбатни давом эттирди Равшанбек. - Умуман, ўқувчилик давримда кўп китоб ўқиганман. Улар орасида ҳозиргина тилга олган икки китоб, айниқса, унутилмас таассурот қолдирган. Улардаги алломаларнинг турли ўт-ўланлардан, гиёҳлар ва ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш борасидаги изланишлари мени ўзига шунчалик ром қилган эдики, ҳатто, тушларимга кириб чиққан.

Табиийки, қуруқ хоҳиш ва истакнинг ўзи билангина иш битмайди. Шу боисдан мактабни аъло баҳоларга битирди. Айниқса, кимё-биология фанларига алоҳида иҳлос қўйди. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент доришунослик институтига кирди.

— Ишга янги келган кезларимда Турғунбой ака Азизов деган уруш қатнашчиси дорихонага мудирлик қиларди, - эслайди суҳбатдошим. — Оғир, вазмин, ўз соҳасининг чинакам билимдони эди. Қилган панд-насиҳатларини сира унутмайман.

— Аслида доришунос зиммасидаги масъулият шифокорникидан сира кам эмас, - деганди бир сафар уқтириб. - Бамисоли доришунос билан шифокор хумо қушининг икки қаноти. Шифокорнинг ташхиси бўйича ёзганларини, режаларини биз рўёбга чиқарамиз. Шаҳардаги 20 дан ортиқ шифохона ва бошқа тиббиёт тармоқларига дори-дармон етказиб бериш билан биргаликда улардан қандай фойдаланиш юзасидан ҳам тушунчалар берамиз.

Ҳозирда вилоят марказининг энг йирик дори-дармон маркази ҳисобланган ушбу шохобчада бўлганимизда мақоламиз қаҳрамони, ушбу дорихона мудири ўринбосари Равшанбек Мусохўжаев ҳақида кўпгина илиқ гаплар эшитдик. Бири йигитнинг меҳнаткашлигини тилга олса, иккинчиси камтар ва камсуқумлигини таъкидлайди, учинчиси эса соҳанинг чинакам билимдони ва фидойиси эканлигини ҳикоя қилади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Кундалик ҳаётимизнинг узвий бўлагига айланиб қолган почта ва телефон алоқалари корхоналарининг кўп қиррали фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. "Тоштелеком" Янгийўл телекоммуникация боғламаси фаолиятида ҳам бу борада сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Айни пайтда асосий мижозлар бўлган ташкилот ва хонадонларнинг аксарияти энг замонавий алоқа воситаларидан фойдаланмоқда.

Ўтган йили 486 та абонентга телефон ўрнатиб берилди. 2 та АТСда рақамли электрон алоқа хизмати жорий қилинди. Шунингдек, 2005 йил охирига бориб яна 2 та АТСда ана шундай хизмат фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.





**Суратларда: муҳандис Умида Ўтабоева; оператор Юля Пак.**

# ЭСИРГАП ПОЛВОННИНГ ОРЗУСИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Қорача қишлоғида янги спорт мажмуи қад ростлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин у қишлоқ болаларининг севимли масканига айланиб улгурди. Бу ерда кураш зали, оғир атлетика хонаси мавжуд. Барча талабларга жавоб берадиган футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари ҳам болалар ихтиёрида. Қишлоқ аҳли бу масканга «Эсиргап полвоннинг спорт зали» деб ном қўйган.

- Болалигимдан кураш тушишни яхши кўраман, - дейди Эсиргап Аҳмедов. - Эркин кураш бўйича спорт устаси сифатида ўттиз икки йил мобайнида ёшларга сабоқ бердим. Мустақиллик шарофати билан ўн гектар ер олиб, «Синдор ота» фермер хўжалигини ташкил этдим. Ишим ривож топиб, бир оз маблағ ҳам орттирдим. Қишлоғимиз болаларининг спортга ҳаваси катталигини кўриб, орттирган маблағимни спорт мажмуи қуришга сарфладим.

Тўғри, мажмуанинг жиҳозланиши ҳали кўнгилдагидек эмас. Масалан, кураш залига Эсиргап полвон йиллар давомида йиғиб келган, анчагина уриниб қолган эски кураш гиламлари тўшалган. Оғир атлетика хонасида эса бир штанга, тўрт жуфт тош ва ўнга яқин гантел бор, холос. Лекин полвоннинг ниятлари катта. Шу боис спорт мажмуида ювиниш хонаси ва очиқ сузиш ҳавзаси қурилишини бошлади.

- Мажмуамизда ҳозир олтмишдан зиёд бола кураш бўйича сабоқ оляпти, - дейди Эсиргап ака. - Уларнинг ғайратини кўриб, бизнинг қишлоқдан ҳам жаҳон чемпионлари чиқишига бўлган ишончим янада мустаҳкамланмоқда. Туманимиздаги спорт мутасаддилари спорт жиҳозларидан ёрдам қилишса, ишларимиз янада юришиб кетади.

**(ЎзА)**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***"Жиззахчўлқурилиш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақидан қарздорлик ортиб бормоқда. Сабаби мазкур жамоада Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси таъминланмаяпти.***

# ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Масалан, жамиятга қарашли 36-механизациялашган кўчма жамламанинг 16 нафар қурувчиси 2004 йил февралидан буён иш ҳақларини ололмасдан келишади. Жамланманинг улардан қарздорлиги 3 миллион 674 минг сўмга етган. Ишчилар раҳбарга бир неча бор бу ҳақда мурожаат қилсаларда, турли баҳоналар билан пайсалга солиб келинган. Шундан сўнг ишчилар туман прокуратурасига ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришларини сўраб мурожаат этишди.

Прокуратура аралашуви билан корхона томонидан ходимларга 622 минг сўмлик иш ҳақлари нақд пулда тўлаб берилди, 1 миллион 87 минг сўм маблағ аризачилар розилиги билан табиий газ ва электр энергияси учун ўтказилди.

Ҳозирда 14 нафар қурувчидан 1 миллион 956 минг 682 сўм ойлик маошдан қарздорлик сақланиб турибди. Тўланмаган ушбу маблағни ундириш бўйича Зарбдор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди.

Текшириш натижаси бўйича ҳиссадорлик жамияти раҳбари ва бош ҳисобчиси меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганликлари учун уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва қонунбузилиш ҳолатларини дарҳол бартараф қилиш ҳақида бошлиқ номига тақдимнома киритилди.

А.Абдураҳимов 2002 йил 9 июлдан бошлаб "Зарбдор тумангаз" идорасида алоқачи вазифасида ишлаб келган. 2004 йилнинг 1 мартида у иш берувчи О. Хўжаев буйруғи билан вазифасидан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига кўра ходим ишдан бўшатилгач, у билан тезда ҳисоб-китоб қилиниши, ҳужжатлари эса топширилиши керак. Лекин бу идорада бундай бўлмади. Ойлаб овораю сарсонгарчилик бошланди. Шундан сўнг А. Абдураҳимов туман прокуратурасига шикоят аризасини киритди. Натижада 2003 - 2004 йилларда тўланмай келган 350 минг 700 сўм иш ҳақи ундирилди.

"Зарбдортумангаз" идорасидаги аҳвол ўрганилганда, директор О. Хўжаев ва бошқа масъул шахслар томонидан туман ҳудудида вужудга келаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ундирилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги аниқланди. Бунинг оқибатида 8 миллион 799 минг 700 сўм иш ҳақи тўланмай келинган. Шундан 1 миллион 873 минг 600 сўми А. Абдураҳимов сингари собиқ ишчи-хизматчиларга тегишлилиги маълум бўлди.

"Электромонтаж" масъулияти чекланган жамиятда 2004 йил давомида ойлик маошдан 28 миллион 419 минг сўмлик тўлов муддати асоссиз равишда ўтказиб юборилган.

Боз устига бош ҳисобчи туман статистика бўлимига "қарз йўқ" дея ҳисобот топширган. Бунга нима дейсиз?

**А.ГУЛМУРОДОВ,**
**Зарбдор туман прокуратураси терговчиси,**
**А.АЗИМОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Бор бўл, меҳру оқибат!*

# ҲАР КИМ ШИРИН СЎЗНИНГ ГАДОСИ

***Ёши бир жойга бориб қолган қариядан умри давомида ёки оиласида юз берган бирор воқеани сўрасангиз эслай олмаслиги мумкин. Аммо биринчи ўқитувчиси ҳақидаги хотирани оқизмай-томизмай айтиб бера олади. Ҳар бири қалбларимиздан алоҳида жой олган устозлар ҳақида қанча гапирсак-да оз. Бир сўз билан айтганда, улар сабаб биз бугун қўлимизга қалам тутиб, оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай оламиз.***

Ўқитувчилар орасида «Қирқ беш йиллик тажрибанг бўлмасин, қирқ беш дақиқалик тайёргарлигинг бўлсин» деган бир ҳикматомуз шиор бор. Шокир Ҳамраев йигирма йилки ушбу шиорга амал қилиб келади. Шокир акани Чироқчи туманида танимаган ёки у кишининг фидойиликлари ҳақида эшитмаган киши кам бўлса керак. Таржимаи ҳоли ҳам бошқаларникидан фарқ қилмайди. У мактабни аъло баҳолар билан якунлаб, Қарши Давлат институтининг чет тиллар факультетида ўқишни давом эттирди. 1978 йил Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган талабаларнинг илмий-назарий конференциясида «Модал феъллар ва уларнинг эквивалентлари» мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи даражали дипломини қўлга киритди.

У 1980 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, қийғос орзу-умидлар ила фаолиятини бошлади. Дастлаб Ойдин Собирова номли ўрта мактабда, кейинчалик Собир Раҳимов номли, Кейров мактабларида инглиз тилидан дарс берди. Вишневский номли рус мактабида таълим бериб юрган кезларида Шокир аканинг шогирдлари турли фан олимпиадаларида иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришди. Бугун устоз фаолият юритаётган 4-ўрта мактабда ҳам унинг ўрни бўлакча. Изланувчанлик, яхшиликка ташналик ёшлигидан одат бўлган Шокир ака шогирдларини доимо давр билан ҳамнафас бўлишга ундайди.

«Ўз келажагимни яратаман, дунё кўраман деган киши ўз устида ишлаши, тил ўрганиши керак» дейди Шокир ака шогирдларига.

Мана ўн беш йилдирки, устоз бахтсиз воқеа сабаб иккинчи гуруҳ ногирони. Гарчанд у ёруғ оламни кўрмай қолган бўлсада, ўқувчилари даврасида бутунлай ўзгариб кетади. Ёшаргандек, куч-қувватга тўлгандек ҳис этади ўзини. Гўё шогирдларининг ақл-идроки, қобилиятидан мадад олади. У асарлар, ҳикоялар ва мактаб дарсликларини ёд олган ҳолда дарс беради. Агар унга бирон савол билан мурожаат этсангиз, жавоб қайси китобнинг қайси бетида, қайси параграфида ва ҳатто қайси хатбошида эканлигини бемалол айтиб бера олади.

Шокир ака турмуш ўртоғи Гулчеҳра Ҳамраева ва фарзандлари ҳақида фахр билан шундай дейди: «уларнинг кўмаги билан кўзим ожизлигини ҳам унутаман. Теварак-атрофни шундай тасвирлаб беришадики, гўё бутун мавжудотни ўз кўзларим билан кўраётгандай бўламан. Баъзан ярим тунгача уйқуларидан воз кечиб газета, журнал, китоб ва қизиқарли ҳикоялар ўқиб беришади...» — дейди у суҳбат чоғида.

Устоз дарс жараёнида ўқувчилар эътиборини бир нуқтада ўзида ушлашга ҳаракат қилади. Машғулотларни турли қизиқарли кечалар, викториналарга улайди. Яқинда у кишининг ташаббуси билан буюк инглиз ёзувчиси Марк Твен таваллудига бағишланган «Ким ғолиб?» кўрик- танлови бўлиб ўтди. Унда 10-А синф ўқувчиси Шоҳруҳ Камолов билим ва салоҳияти билан алоҳида таҳсинга сазовар бўлди. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ўқувчиларни илм олишга интилишларини янада юксалтиришдир.

Шокир аканинг шогирдлари бугун нафақат республикамиз, қолаверса бир қатор хориж мамлакатларининг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. Шунингдек, улар орасида устоз йўлини давом эттираётганлари ҳам бисёр.

**Р.ЖЎРАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ўзбекистон - Ватаним маним*

# БАХИЛТОҒ ХАЗИНАСИ

Мен бу воқеани қишлоқ оқсоқолларидан жойлари жаннатда бўлгур Турсунмурод бобо, Тўрақул бобо, Шариф бобо ҳамда Худойқул боболардан сўраганимда улар ҳам тасдиқладилар. Бу буғ чиққан қудуқни мен ҳам, бошқа қишлоқдошларим ҳам биламиз. Чунки унинг ўрни ҳозир ҳам бор. Яскоктошдан шу қудуққача бўлган масофа ер устки сатҳидан кўриниши 800 метрлар чиқса керак. Аммо унинг горизонтал ҳолати тахминий ҳисоблаганимизда 350 метрларни ташкил қилиши мумкин. Демак, қарс ғоримизнинг асосий ҳавзаси, дастлабки хулосамиздек Курткасой тагида бўлиб, ғарбга - Нурота томонга қараб жуда кичик йўлакча дарз кетган. Ушбу ғордаги ҳодиса таҳлили қуйидагича. Яъни ғор қарс пайдо бўлган дейилаётган ҳар иккала мармар қатлами, тўғрироғи, мармарланган оқ Нурота оҳактош қатлами ва унинг тагида ётган Ғозғон рангли мармар қатлами ҳам ерда органик ҳаётнинг ривожланишига қараб тузилган, бутун дунё тан олган ва ҳозир амалда бўлган «Геохронологик жадвал» асосида 400-420 миллион йиллар аввал, бошқача айтганда, Нурота мармарланган оҳактош қатлами девон даврида, Ғозғон мармари эса силур даврида пайдо бўлган. Шу даврлар давомида бу ғор қаъридаги иссиқ сув ҳеч қаёққа чиқолмай ётганлигидан ундан ажралиб чиқаётган буғ доимо қаттиқ қисилишлар ва босим остида бўлган ҳамда баъзан бўладиган тектоник ҳаракатлар оқибатида қатламлар буғ таъсирида, қолаверса, нам ҳолатда бўлганидан буғ қатламлар орасига кириб улардаги боғланишни кучсизлантириш, емириш натижасида ва сўнгра ер қимирлаганда бўшашган қатлам ўпирилиб тушиб, сув сатҳи бирдан кескин кўтарилади-да, қаттиқ қисилиш ва ўзига жой ахтариб бўшлиққа отилиш ҳолатидаги жараён рўй беради. Бу бир неча миллионлаб босим маҳсули бўлиб, гулдирак чинқириқ овоз ҳосил қилиб, ер устига бўшлиққа иссиқ буғ ҳолатда чиқади.

Мен ғор, яъни қарс билан шуғулланувчи ўртоқлар билан ҳам бу ҳодисага муносабатларини сўраганимда, уларнинг кўпчилиги ҳамфикр эканликларини билдиришди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Бахилтоғ ҳақида баъзи фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтсам.

Нурота тумани Қизилқум сарҳадлари билан туташ бўлиб, у поезд йўлидан анча четда жойлашган. Аҳолининг катта шаҳар ёки вилоят марказларига бориб келишининг ўзи ҳам анча муаммо. Аксарият қисми мавсумий ишлар билан банд, асосан полизчилик маҳсулотлари етиштиришади. Деҳқончилик билан кун кечираётган кишилар узоқларда жойлашган сиҳат-саломатлик масканларига бориши қийин. Ушбу сув жойлашган ғор унчалик ҳам чуқурда эмаслиги, қатламларнинг ётиши уларнинг қалинлиги ва бошқа аломатлар ғордаги сувнинг иссиқлигини тасдиқлайди. Қўшни туман Хатирчига қарашли «Олтинсой» санаторийсида ер юзига қудуқ орқали чиқиб турган сувнинг иссиқлик даражаси 38 даражани ташкил қилади. Бахилтоғ ҳам, Оқтоғ ҳам Жанубий Нурота тоғ тизмасига бу тоғ тизмаси эса ўз навбатида Ғарбий Тяншан туркумига киради. Ёки Оқтоғнинг шарқий қисми - Қўшработдаги Қушоғоч сувини олинг. У ҳам 30-35 даража иссиқ. Уларнинг кимёвий таркиби «Семашко» сиҳатгоҳи лабораторияларида текширилганда, айнан ушбу қудуқдан чиқадиган сув таркибига мослиги исботланган. Шундай экан, Курткасой суви ҳам шу сувларга таркиби жиҳатдан шу сувларга монанд бўлиши керак. Ҳатто бу сув шифобахш бўлмаган тақдирда ҳам катта шаҳар ва қишлоқларни иситишда фойдаланиш мумкин. Ахир ер ости иссиқ сувидан фойдаланиб, иссиқхоналар қуриб, мева-чева етказаётганлар оз эмас. Хуллас, бу борада ўйлаб кўрса арзигулик жиҳатлар талайгина.

Бахилтоғ билан боғлиқ яна бир нарсани эслатмоқчи эдим. Ўтган асрнинг 60-йилларида Нурота яқинидаги Бахилтоғнинг Зангиотасой қирларининг бирида илонлар макони борлиги ҳақида хабар чоп этилган. Мана шу илонлар макони ҳақиқатан ҳам борлигини катталардан кўп маротаба эшитганман. Ахир бу илонлар муҳофазага олиниб, ундан заҳар олиниб, табобатда ишлатилса, нур устига нур бўлмайдими? Шунча сиру синоатларга бой бўлган Бахилтоғ наҳотки бахил бўлса?..

**Ж. ЙЎЛДОШЕВ,**
**геолог**

(Боши ўтган сонларда)

# ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

## энди бир очко олтинга тенг

***Бундай бўлишини биз кутмагандик. Лекин "уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди" деганларидек, Қувайт билан учрашув барча режаларни бузиб юборди. Кўнгилнинг бир чеккасида ҳатто дурангга рози бўлмай турган мухлислар мағлубият аламини то ҳануз хазм қилолганлари йўқ.***

- Бунақа кетишда бошга қўниб турган бахт қуши ҳам хафсаласи пир бўлиб, учиб кетади, - дейди таҳририятимизга қўнғироқ қилган қўқонлик Абдулхай Омонов. - Иккинчи ўйинки, мен йигитларимизни таний олмаяпман. Германия яшил майдонларида тўп суриш наҳотки уларга завқ бағишламаса?!.

Мухлиснинг куюнганича бор. Мутахассисларда ҳам катта умид уйғотган қуръа ташлашдан кейин миллий терма командамизнинг Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Қувайт жамоалари



билан баҳси охир оқибат хайрли якун топиши хусусида жуда кўплаб асосли фикр-мулоҳазалар билдирилган ва ўринлар ҳам башорат қилиниб, Ўзбекистон термасига Жанубий Кореядан сўнг иккинчи поғона лойиқ кўрилганди.

Мухлис аҳли барибир ишонувчан бўлади, умид билан яшашни ёқтиради. "Пахтакор" стадионида Саудияликлар билан дурангга имзо чекилгач, буни тасодифга йўйган ва мавсум энди бошланди-ку, дея ўз-ўзига тасалли берган мухлислар футболчиларимизнинг Қувайтда яхши ўйин намойиш этишларига умид боғлаб, энг муҳими, зарур уч очкони қўлга киритишларини астойдил истаб қолгандилар. Таассуфки, ишонч оқланмади, немис мутахассиси Юрген Гёде сафар учун танлаган тактика иш бермади. Жамоа майдондан бош эгиб чиқиб кетди. Таблода ёниб турган 1:2 ҳисоби терма жамоамиз учун эндиликда ечиш бағоят машаққатли бўлган чигалликларни туҳфа этдиким, билмадик, буни футбол мутасаддиларимиз қандай ҳал этишади? Ҳар ҳолда эртага Жанубий Корея билан бўладиган учрашув олдидан бир қатор мураккаб бошқотирмалар кўндаланг турганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Нега шундай вазиятга тушиб қолдик, деган савол туғилиши табиий. Дарҳақиқат, нега? Чамаси Юрген Гёде ҳамкасби Равшан Ҳайдаров мураббий бўлган кезлари маслаҳатчи сифатида анча дуруст фаолият кўрсатган эди. Ёки терма жамоа жиловини ўз қўлига олгач, аввалгидек шиддаткор ва ақлли тактикаларни қўллаш кўникмасини йўқотиб қўйдимикан? Биз бу фикрларни осмондан олиб гапираётганимиз йўқ, шунчаки, кўриб турганларимизни шарҳлашга, фикр-мулоҳаза юритишга уринмоқдамиз.

Албатта, отни кечувда алмаштирмайдилар. Лекин, зарур бўлса, Юрген Гёде ўзи бир мунча муддат илгари кўрсатгани каби фаолият юритишга қодир бўлган қўшимча куч ташлаш лозим. Токи, кейинчалик аттанг деб қолмайлик. Поезд кетиб қолгандан сўнг айбдорни излаб юришдан фойда йўқ. Чора кўриш керак бўлса, ҳозир кўриш керак.

Ҳужумни кучайтириш, ҳимояни мустаҳкамлаш деган билан ҳеч нарса ўзгариб қолмаслигини, албатта, яхши биламиз. Лекин шундай бўлса ҳам айтишга мажбурмиз. Шундай тактика танлаш жоизки, Сеулда бўладиган ўйинда Қувайтда юз берган кўнгилсизликлар такрорланмасин. Югурганники эмас, буюрганники деган нақлни оғзига кучи етмаган боқибеғамлар ўйлаб топган. Омад ва бахт - югурганники. Футболчиларимиз ўз саъй-ҳаракатлари билан буни исботлашлари мумкин ва лозим. Токи биз 2006 йилда Германия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган учрашувларни шунчаки томошабин сифатида эмас, ўз севимли жамоаси қатнашаётган манфаатли мухлис сифатида кузатиш бахтига муяссар бўлайлик.

**З. РИХСИЕВ**

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т - Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Саудия Арабистони | 2 | 1 | 1 | 0 | 3 - 1 | 4 |
| 2. Жанубий Корея | 2 | 1 | 0 | 1 | 2 - 3 | 3 |
| 3. Қувайт | 2 | 1 | 0 | 1 | 3 - 3 | 3 |
| 4. Ўзбекистон | 2 | 0 | 1 | 1 | 2 - 3 | 1 |



Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан шаҳардаги диққатга сазовор масканлар таъмирланиб, ўзгача чирой очаяпти.





**Шавкат СУЛТОН олган суратлар**

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

Кикбоксинг бўйича Кипрда ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган беш спортчимиз совринли ўринларни эгаллади.

Вакилларимиздан Шавкат Ўроқов ва Виталий Абборин кумуш медалларни қўлга киритди. Шунингдек, Бахтиёр Шермуҳаммедов, Сардор Тўраев, Шерзод Хошимов бронза медаль билан тақдирланди.

**(ЎзА)**

*Турфа олам*

# СВАЗИЛАРНИНГ ҒАЛАТИ ОДАТИ

Жанубий Африкада Свазиленд деб юритиладиган ўлка бор. Бор-йўғи 17,4 минг квадрат километр майдонга, 530 минг кишилик аҳолига эга бўлган бу митти мамлакатни қирол бошқаради. Пойтахт Лобамбе шаҳрида ҳозирги архитектура услубида қурилган атиги бир нечагина замонавий бино бор.

1982 йил август кунларининг бирида пойтахт бўйлаб «сув тўкилди» деган маънони англатувчи хабар тарқалди. Мамлакат ҳукмдори Собхуза II нинг ўлими ҳақида свази тилида маълум қилинган мазкур ахборот ана шундай маънода ифодаланар экан. Собхуза II Свазилендда роппа-роса 61 йил ҳукмронлик қилди. Ҳисобларга қараганда, қироллик муддатининг узоқлиги жиҳатдан Собхуза II жаҳон тарихида Буюк Британия қироличаси Викториядан сўнг иккинчи ўринда турган.

83 йил умр кўрган Собхуза II юздан кўп хотинидан тўрт юзга яқин ўғил кўрган. Ўғилларининг энг каттаси - 50, энг кичиги - 11 ёшда.

Мамлакатдаги мавжуд одатга мувофиқ, қирол вафотидан кейин тахтга вақтинча қиролича-регент ўтиради. Кейин лококо (қироллик кенгаши) яширин мажлисда мамлакатнинг янги қиролини сайлайди.

Шуниси борки, тахтда устувор турган қиролнинг ҳаётлигида тахт ворислигига мўлжалланган шаҳзода номзодини очиқ тилга олиш бу ўлкада қадимдан жиноят саналади, ҳозирда ҳам бу нарса табу (ман этилган) ҳисобланади.

Собхуза II нинг дафн маросими Лобамбе шаҳрида 30 минг киши иштирокида бажо келтирилди. Тўрт метрли куб шаклида ойнадан ишланган ўзига хос тобутга солинган марҳум жасади тепасида тегишли кишилар ваъз айтишди, диний дуолар ўқилди. Шу билан маросимнинг асосий қисми тугалланди.

Марҳумни ерга қўйиш маросими эса аждодларнинг анъанасига мувофиқ, ой тўлишган кечада махфий тарзда ўтказилади. Янги сўйилган бир нечта сигир терисига ўраб балзамланган, бир қўлига найза, иккинчи қўлига сипар ушлатиб, тахтга ўтказиб қўйилган ҳукмдор Мдзимбза деган тоғ орасидаги ғорга дафн этилади. Бу ғорда Свазиленд қиролларининг жуда оз кишиларгагина маълум бўлган махфий мақбараси жойлашган.

Марҳум дафн этилгач, ғор оғзи яхшилаб беркитиб ташланади-да, олдига қора буқа боғлаб қўйилади. Буқа очлик ва сувсизликдан ўлгач, бу ҳақда жами фуқарога маълум қилинади. Шу хабардан кейин мамлакатда расмий мотам тугалланган ҳисобланади.

**Н.СОЛИҲОВА**
**тайёрлади**

# ТОМОШАБИНЛАР СЕВГАН САНЪАТ КОШОНАСИ

Биз циркни мўъжиза яратувчи санъат деб эъзозлаймиз. Кенг омма тушуна оладиган бу бадиий ижод тури мамлатимизда кўпдан бери маълум. Республикамизда биринчи ўзбек цирки жамоаси ташкил топганига расман 60 йилдан ошди. Унга Тошкенбой Эгамбердиев, Карим Зарифов каби машҳур санъаткорлар бош-қош бўлишган эди.

Ўзбек цирки артистлари нафақат мамлакатимизда, айни вақтда чет элларда ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этиб келишмоқда. Германия, Испания, Бельгия, Франция, Польша каби мамлакатларга қилинган ижодий сафарлар муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев раҳбарлигидаги ўзбек дорбозлари гуруҳининг Мексика ва Бразилияда қилган гастроллари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тошкентда янги цирк биноси бунёд этилиши нур устига аъло нур бўлди. Бу цирк қасри пойтахтнинг Хадра майдони ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Унда бир йўла уч минг томошабин цирк дастурларини бемалол кўриши мумкин. Фил, айиқ, от, маймун, ит ва қушлар учун махсус хоналар ажратилган. Муҳими, бу ерда цирк жамоасига янги-янги дастурлар яратиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Унинг нозик дид билан ишланган гўзал фойеси ҳам эътиборни ўзига тортади.

Томоша залининг катталиги жиҳатидан Москва циркидан кейин иккинчи ўринда бўлган Тошкент Давлат цирки чироқлари порлаганда томошабинлар кўзи ўнгида бу санъат қасрининг моҳир ижодий гуруҳлари, гастролга келган жамоалар ўз истеъдодларини намойиш қиладилар.

Биринчи ўзбек цирки жамоаси ташкил топганлигининг 60 йиллиги муносабати билан катта томоша тайёрланмоқда. "Буюк Ипак йўли" деб номланган бу дастурда Қозоғистон, Қирғизистон, шунингдек Хитой, Покистон, бангладешлик цирк усталари ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этадилар.

**А.АЛИЕВ**

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

***Қадимий тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш йўлида республиамизда тадбиркорлик билан иш қўрилмоқда.***

Бунда кўҳна маданий меросимизни таъмирлаш жараёнлари ҳам кутилган натижа бермоқда. "Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ёдгорликларининг пойдеворларини мустаҳкамлаш ва ер ости сувларидан ҳимоялаш муаммолари" деган мавзуда ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида ҳам мазкур йўналишдаги қатор масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Маданий мерос иншоотларини сақлаш ва илмий ишлаб чиқариш республика бошқармаси, механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳамда гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти ҳамкорлигида уюштирилган бу анжуманда меъморчилик ва геологик тадқиқотлар ўртасида яқин илмий алоқани йўлга қўйиш билан боғлиқ тавсиялар тайёрланди.

*Биласизми?*

# ТОШ ДАВРИ САБОҒИ

Археологлар тош даврига оид қабрлардан обсидиандан ясалган пичоқ ва найза учларини кўплаб топишган. Вулкан отилишида пайдо бўладиган қизил, қора ва бўз рангдаги бу шишасимон модда синган жойидаги қирраларининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Тош ва бронза даврларидан топиладиган бу хил топилмалар одатда музейлар ва илмий марказларга юбориларди.

АҚШ антропологлари бу ибтидоий қуролларнинг техник имкониятларини синчиклаб текшириб кўришга қарор қилишди. Буни қарангки, обсидиандан ясалган қуролларнинг тиғи энг яхши замонавий медицина ништарларининг тиғидан ҳам ўткирроқ бўлиб чиқди. Тажриба тариқасида жарроҳликда ишлатилувчи асбобларда пўлат ўрнига обсидиандан фойдаланиб кўрилди. Кейин янги ништарлар ёрдамида сўгални кесиб олишдан тортиб, кўкрак қафасини очишгача бўлган юздан зиёд хилма-хил операция ўтказилди. Маълум бўлишича, обсидиан тўқимага камроқ зарар етказар, бу туфайли кесилган жой тезроқ битиб кетар экан. Шундан кейинги тадқиқотлар обсидианнинг ўткирлигини пўлат ништар у ёкда турсин, ҳатто қўлда ишлатиладиган лазер нурига қиёслаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Лекин обсидиан ништарларни кўплаб миқдорда тайёрлаш учун нима қилиш керак? Шу ўринда ҳам тош асри усуллари қўл келди. Бундан икки ярим минг йил муқаддам ацтек ва майялар обсидиандан тиғи мисдан ясалган ва шакли Т ҳарфи кўринишида бўлган асбоб билан пичоқ кесиб олишгани маълум бўлди. Бу усулни XX асрда ҳам қўллаб кўрилган эди, ажойиб тиғлар олинди. Яқин келгусида ништарни сунъий шишадан ясаш мўлжалланаяпти, унгача эса жарроҳлар тош даври усулида яратилган тиғни орзу қилишмоқда.


**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Тиражи: 18129 Буюртма Г— 214 2 3 4 5 6